



АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ВА МИН СУЛОЛАСИ ЎРТАСИДАГИ САВДО – ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Махмудов Акмалжон

ФарДУ, Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7907998>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-May 2023 yil
Ma'qullandi: 05-May 2023 yil
Nashr qilindi: 08-May 2023 yil

KEY WORDS

Мин сулоласи, Амир Темур,
Мўғул, Самаэрхань, Лянчжоу

ABSTRACT

Қадим замонлардан кенг Осиё даштларида буюк жаҳонгирлар қилич ўйнатиб, от чоптирганлар. Уларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрни доимо тарих фани мутахассисларининг тадқиқот мавзуси бўлиб келган. Ушбу мавзуларда қилинган тадқиқотлар ва изланишлар, ўз навбатида, янги – янги мулоҳазаларни келтириб чиқаради.

Мўғул дунёсининг вайронларида деярли бир пайтда кетма – кет ташкил топган бу икки давлат ўртасида тез орада савдо – иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилган. Бу ҳар иккала давлат раҳбарлари томонидан ҳам қўллаб – қувватланган. Чунки, товар алмашинуви жараёни ҳар икки мамлакат учун ҳам қулай эди. Темурийлар мамлакати савдогарлари томонидан олиб келинган товарлар Хитойда жуда қадрланган. Сабаби, марказий осиелик савдогарлар келтирган маҳсулотлар Мин армияси учун муҳим стратегик ва ҳарбий аҳамиятга эга эди. Масалан, ўша давр йилномаларида Самаэрхань (Самарқанд) дан бир неча маротаба отлар келтирилганлиги ҳақидаги маълумотлар бор¹. Кўп сонли Хитой армиясини отлар билан таъминлаш эса Мин ҳукмдорларининг ўз мамлакати хавфсизлигини кафолатлаш ва давлатнинг ҳужумкор қувватини оширишнинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланарди. Тарихий адабиётларда мусулмон савдогарлари томонидан келтирилган отлар фақат Мин саройидагина эмас, Пекин ва Лянчжоу шаҳарларида ҳам сотилганлиги ҳақидаги маълумотлар бор². Савдогарлар от эвазига Хитойда ишлаб чиқариладиган қимматбаҳо товарларни харид қилиб, ўз юртларига қайтиб кетганлар. Мусулмон дунёсидан Хитойга, шунингдек, туя, эшак каби чорва моллари, қимматбаҳо тошлар (бу айнан ложувард бўлиши мумкин) ва улардан ясалган буюмлар, дориворлар ва ҳар хил маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари олиб борилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд³. Темурийлар давлати савдогарлари Хитойнинг шимолидаги собиқ Юань сулоласининг давомчилари бўлган мўғул ҳукмдорлари бошқаруви остидаги дашт минтақаларида ҳам савдо қилган.

¹ Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV – XIX вв. – Алматы: Гылым, 1994. – С. 25 – 30.

² Ртвеладзе Э. В. Китайские посольства ко двору Амира Темура и Темуридов // Общественные науки в Узбекистане, № 7-10. – Т.: Издательство “Фан” Академии Наук Республики Узбекистан, 1996. – С. 57.

³ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар / Аблат Хўжаев. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 203.

Марказий Осиё шаҳарларининг Узоқ Шарқда камёб саналган маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳар иккала минтақа тужжорлари учун яхшигина даромад манбаи ҳисобланган. Хитой товарлари ҳам Марказий Осиёда ғоятда қадрланган. Руи Гонсалес де Клавихо кундалигидан бу ҳақидаги фикримизни далиллаш учун маълумотларни келтиришимиз мумкин. Испан элчиси Самарқандга Хитойдан зўр санъат билан тўқилган шоҳи газламалар, жаҳонда энг сара мато ҳисобланган атласлар, айниқса, гулсиз атласлар, шунингдек, фақат Хитойда мавжуд бўлган мушк, ёқут, олмос, марваридлар, ровоч ва кўплаб ҳар хил хушбўй зиравор ва дориворлар олиб келинганлигини қайд этади ва бу молларнинг бошқа мамлакатлардан келтирилган маҳсулотларга нисбатан энг сифатли ва қимматбаҳо эканлигини таъкидлайди⁴. “Зафарнома” да Шарафиддин Али Яздий яшм тошининг Шарқий Туркистондаги Хўтан шаҳридан олиб келиниши ҳақида маълумот берган⁵. Ибн Арабшоҳ эса ўз асарида Хитойдан Самарқандга қуруқлик йўли орқали духоба, бахмал, яшм тоши, мушк ва бошқа ашёлар олиб келинганлигини ёзади⁶. Мусулмон мумтоз адабиётида “мушки хито” – مشک خطا атамасининг кўп қўлланилиши бу товарнинг мусулмон бозорларида нечоғли машҳур бўлганлигини билдиради. Хитойдан олиб келинган ипак матолар, чинни идишлар ва чой Марказий Осиёда бозори чаққон маҳсулотлар ҳисобланган ва бу моллар хитойлик савдогарлар учун катта даромад манбаи эди.

Аммо, савдо – сотиқнинг баъзи соҳаларида таъқиқлар ҳам мавжуд бўлганлиги табиий. Бу эса ҳукмдорларнинг сиёсий фаолияти ва ҳарбий – стратегик манфаатлар билан боғлиқ, албатта. Хитойнинг XIV – XV асрлар тарихига оид илмий адабиётлар Мин сулоласи даврида Хитойдан турли металллар ва қурол – яроғлар олиб чиқилиши маън этилганлигига гувоҳлик беради⁷. Бунинг сабаби эса ўз рақибларини қурол билан таъминлашдан сақланиш эканлиги кундек равшан. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзаро манфаатли савдо алоқалари ҳеч қачон тўхтаб қолмаганлигига шубҳа йўқ.

Амир Темур давлатининг Хитой билан савдо – сотиқ ишлари фақатгина қуруқлик савдо қарвонлари билангина чекланиб қолмаган, денгиз билан ҳам савдо – сотиқ ишлари амалга оширилган. Эроннинг темурийларга тобе ҳудудларидаги машҳур денгиз порти – Ҳурмузга Хитой савдо кемалари доимий равишда келиб – кетиб турган. Клавихо Хитойдан Ҳурмузга келиш учун кемалар денгизда 20 кун сузиши кераклиги ҳақида маълумот берган. Денгизда оҳанрабо (магнит) га учраб, вайрон бўлмаслиги учун кемалар ёғоч мих ва ип – арғимчоқлардан қурилган. Шунингдек, испан элчиси Хитойдан Ҳурмузга марварид, ёқут, ширинлик ва дориворлар келтирилиб, бу ердан бошқа мамлакатларга олиб кетилиши ҳақидаги маълумотларни қайд этади⁸. Ибн

⁴ Гонсалес Руи Де Клавихо. Самарқанд – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406) [Техт] Гонсалес, Руи Де Клавихо.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Т.: “O‘zbekiston”, 2010. – Б. 200.

⁵ Яздий Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков; Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И. Шоғулумов ва бошқалар//. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 226.

⁶ Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. К. 2. – Т.: Мехнат, 1992. – Б. 82.

⁷ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар / Аблат Хўжаев. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 203.

⁸ Гонсалес Руи Де Клавихо. Самарқанд – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406) [Техт] Гонсалес, Руи Де Клавихо.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Т.: “O‘zbekiston”, 2010. – Б. 115.

Арабшоҳ эса ўз асарида Самарқандга марварид Хурмуздан (Хитойдан эмас) олиб келинганлигини таъкидлайди⁹. Бу маълумотларга асосланиб Хитой билан савдода денгиз порти ҳисобланган Хурмуз шаҳрида хунармандчиликнинг заргарлик соҳаси тараққий этган, деган хулосага келиш мумкин. Чунки, Хитойдан келтирилган марварид ва бошқа қимматбаҳо тошларга айнан шу ерда ишлов берилиб, кейин бошқа мамлакатларга, шу жумладан, темурийлар пойтахти – Самарқандга ҳам жўнатилган. Хулоса қилиб айтганда, XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб таназулга юз тутган мўғуллар империяси ҳудудларида вужудга келган Мин империяси ва Амир Темур давлати ўртасида фаол савдо – иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Ҳар икки томоннинг манфаатдорлигига асосланган бу муносабатларда ўрта асрлар Шарқининг йирик савдо ва хунармандчилик шаҳарлари муҳим рол ўйнади. Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё минтақаларини боғлаган халқаро савдо йўлларида ўз даврининг моҳир ҳамда ҳар қандай таваккалчиликдан қайтмайдиган савдогарлари олис йўл босиб, фаол халқаро савдони йўлга қўйдилар. Иқтисодий муносабатларни ривожлантириш орқали ҳар иккала давлат ҳукмдорлари ўз мамлакатларининг сиёсий нуфузини оширишга уриндилар. Давлат раҳбарлари савдодан келувчи даромад мамлакат хазинасининг бойиши ва ўлка иқтисодий аҳволи яхшиланишининг кафолати эканлигини яхши тушунганлар. Ўрта асрлар даврида йирик ҳарбий юришларни ташкил этишда қўшинларнинг иқтисодий балансини меъёрида таъминлаш учун бу муҳим аҳамият касб этарди. Бу даврдаги тижорат мақсадлари халқаро сиёсат майдонида ҳам ўз аксини топдики, икки давлат ўртасида баъзи мавҳум ва чигалликларга бой дипломатик муносабатлар йўлга қўйила бошланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Mannonjonovich, M. A., & Qurbon, S. (2021, June). A Look At The Activities Of Osman Khoja In The Ussr. In E-Conference Globe (Pp. 53-55).
2. Mannonjonovich, M. A. (2021, June). Usmon Khoja Polatkhojaev's Participation In Jadidish Movement. In E-Conference Globe (Pp. 49-52).
3. Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV – XIX вв. – Алматы: Гылым, 1994. – С. 25 – 30.
4. Ртвеладзе Э. В. Китайские посольства ко двору Амира Темура и Темуридов // Общественные науки в Узбекистане, № 7-10. – Т.: Издательство “Фан” Академии Наук Республики Узбекистан, 1996. – С. 57.
5. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар / Аблат Хўжаев. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 203.
6. Гонсалес Руи Де Клавихо. Самарқанд – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406) [Text] Гонсалес, Руи Де Клавихо.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Т.: “O'zbekiston”, 2010. – Б. 200.
7. Йаздий Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков; Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И. Шоғуломов ва бошқалар//. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 226.

⁹ Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. К. 2. – Т.: Мехнат, 1992. – Б. 82.

8. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. К. 2. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б. 82.
9. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар / Аблат Хўжаев. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 203.
10. Гонсалес Руи Де Клавихо. Самарқанд – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406) [Text] Гонсалес, Руи Де Клавихо.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Т.: “O‘zbekiston”, 2010. – Б. 115.
11. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. К. 2. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б. 82.

